

# +НАЖОТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ

**Тони Аламо**

Бу дунёда нажот топган, РУХДА қайта туғилган одамларга караганда диний одамлар сезиларли даражада кўпроқдир. Инжил, аниқ ва равшан тарзда, дин шайтондан, нажот эса РАББИМИЗданлигини бизга айтади.<sup>1</sup>

МАСИХга эътиқод қилиш билан динга эътиқод қилиш ўртасидаги фарқ шундан иборатки, МАСИХга эътиқод қилишда, одамни излаган ХУДОдир. Бошқа сўз билан айтганда, одамни излаган ва ҳалиям изловчи бу Худодир. ХУДО Эски Аҳдда дастлаб Одам Ато, Қобил, Шис, Ҳанўх, Нух, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб билан гаплашди. Янги Аҳдда, У дастлаб Матто, Юҳанно, ва Ҳаворий Павлус билан гаплашди. 1964 йилда, У мен билан гаплашди, Инжил вақтлари ва ҳозирги вақт ўртасида кўп бошқалари бўлган. Бошқача айтганда, келажакда охирги нажот топганлар, абадий ҳаётни ХУДО, ОТА, МАСИХ, УНИНГ тўнғич ЎҒЛИ ва МУҚАДДАС РУХ билан бирга Осмон Шохлигида ўтказадиганлар бўладиган кўйларни қидириш учун уларни юбориб, ХУДО барча кўйларни, ЎЗ оиласи етакчиларини қидирди.

МАСИХ УНИНГ шогирдлари бўлишлари учун бошқаларни излаш мақсадида улар ҳам айнан шундай қилсин учун ЎЗ шогирдларига, бар-

чамизга йўл-йўриқ кўрсатади.<sup>2</sup> Буни У Матто 28:18-20 да куйидаги сўзлар билан амалга оширади. “МЕНГА Осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир. Шунинг учун сиз бориб, барча халқларга ўргатинглар, (шунингдек) ОТА, ЎҒИЛ ва МУҚАДДАС РУХ номи билан сувга чўмдилинг [сувга тўлиқ ботиринг<sup>3</sup>], : Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар: Мана, Мен ҳар куни, ҳатто дунёнинг охиригача доимо сизлар билан бирга бўламан. Омийн.” Одамни изловчи бу МАСИХ, одам ХУДОни изловчи эмас. ХУДОни одам изласа бу “диндир”, бироқ қачонки ХУДО одамни изласа, бу “нажотдир”.

Барча динлар ХУДОни нажот топмаган одам излашини, ёки эҳтимол ХУДО ким бўлишини ўйлашини талаб этади. Дин бу нима? Дин бу ХУДОни нима деб ўйлаши мумкинлигига одамнинг эътиқоди ва камоли эҳтиромидир. Бу қандайдир кўринишдаги худонинг мавжудлиги одамнинг онгидадир, лекин ягона ҳақиқий ХУДО ҳақида уларнинг заррача хабарлари йўқ. Шу туфайли ИСО, Матто 28:19да, ЎЗ шогирдларига ўшанда, ва ЎЗИНИНГ барча шогирдларига айни шу кунга қадар мана буларни



*Тони ва Сюзан Аламо, 1970 йиллар ва 80 йиллар бошларидаги теледастурларидаги оркестр ва хор*

айтди, “Шунинг учун сиз бориб, ОТА, ЎҒИЛ ва МУҚАДДАС РУХ номи билан сувга чўмдириб [сувга тўлиқ ботириб], БАРЧА ХАЛҚЛАРГА [улар сажда қилиши керак бўлган ҳақиқий ХУДО кимлигини, ва улар фақатгина УНГА сажда қилишлари ва хизмат қилишларини] ЎРГАТИНГ.” деб таъкидланади.

Жаннатга кириш учун, биз баркамол бўлишимиз шарт.<sup>4</sup> ХУДО бизнинг баркамол бўлишимизни буюриши учун ҳам баркамол бўла оламиз, ХУДО эса ҳеч қачон бизга бизнинг учун имконсиз бўлган нарсага интилимизни буюрмайди.<sup>5</sup> ИСО Матто 5:48 да бундай дейди, “Шундай қилиб, осмондаги ОТАнғиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар.” Биз МУҚАДДАС РУХда қадам ташлар эканмиз, биз баркамолмиз. Римликларга 8:1-2 да бундай дейилди, “Шунинг учун, тана амри билан эмас, РУХ амри билан яшаётган ИСО МАСИХ уммати бўлганларга қарши

*(2 Саҳифада давоми бор)*

1 Иша. 1:11-16, 29:13-14, Ер. 7:8-11, 23:33-40, Ҳизк. 13:1-23, Мик. 3:11, Матто. 6:5, 7-8, 7:21-23, 15:7-9, 21:28-32, 23:1-37, Луко 6:46, 18:10-14, Юҳанно 5:40, 6:35-58, 10:1-15, 14:6, 15:2, 2 Тим. 3:1-7, Титус 1:16, Ёқуб 2:19 2 Дон. 12:3, Матто. 10:7-8, 28:19-20, Луко 24:46-48, Ҳав 1:8, 2:38-41, 10:39-43, Рим. 7:4, 10:13-15, 1 Кор. 1:17-18, 21, 9:16-17, Эф. 3:2-10, Кол. 1:25-29, 2 Тим. 4:2, 5 3 Матто. 28:19, Рим. 6:3-5, Кол. 2:10-12 4 Қонун. 18:13, 1 Шохлар 8:61, Воиз. 119:1-3, Матто. 5:48, 2 Кор. 13:11, Эф. 4:11-13, 5:25-27, Филп. 3:12-15, Кол. 1:21-22, 1 Тим. 6:14, 2 Тим. 3:16-17, Ёқуб 1:4, 1 Юҳанно 3:6-10, Вахий. 21:7, 27 5 Ибт. 17:1, Лев. 11:44-45, 19:2, 20:26, Қонун. 18:13, 1 Шохлар 8:61, Воиз. 15:1-5, 24:3-5, 119:1-3, Юҳанно 17:17-23, Рим. 6:4-14, 8:1-14, 37, 2 Кор. 6:14-17, 13:11, Гал. 5:16, Эф. 4:11-13, 5:25-27, 6:10-18, Филп. 1:9-11, 2:12-15, 3:12-14, 4:13, Кол. 1:10-11, 21-22, 1 Сал. 4:6-7, 1 Тим. 6:11-14, 2 Тим. 3:16-17, Ибр. 2:18, 12:14, 13:20-21, Ёқуб 1:4, 27, 1 Бутрус. 1:15-16, 5:8-10, 1 Юҳанно 2:14, 3:5-10, 4:4, Вахий. 3:1-5, 7:13-15

## +НАЖОТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ

(1 Саҳифанинг давоми)

энди ҳеч бир маҳкумлик [на Дўзах, на Олов Кўли] йўқдир. Чунки ИСО МАСИХдаги ҲАЁТ РУҲИ қонуни гуноҳ ва ўлим Қонунидан мени озод қилди.” Ушбу битик ахлоқий қонуниятлардан озод бўлишимиз мумкинлигини айтмаётганига назар ташланг. Биз фақатгина гуноҳ ва ўлим қонунидан озод бўла оламиз. Гуноҳ ва ўлим қонуни РУҲда қайта туғилганимиздан кейин ахлоқий қонунни бузсак, гуноҳлар учун энди бошқа қурбонлик (кечирим) қолмаслигини айтади.

Ибронийларга 10:26-31 да бу ҳақда мана бундай дейилади: “Агар биз ҳақиқатни билиб олгандан кейин, онгли равишда гуноҳ қилсак, энди гуноҳларнинг кечирилиши учун бошқа қурбонлик қолмайди, балки душманларни [ХУДОнинг душманлари] еб битирувчи ҳукм ва оташли қаттиқ қаҳру ғазабни аниқ кўрқув ичида кутиш қолади. Мусонинг Тавротидан ҳазар қилган одам икки ёки уч гувоҳнинг шаҳодати асосида раҳмсизларча ўлди: унга, ХУДО ЎҒЛИНИ оёқ-ости қилган ўзи эса у орқали покланган аҳд қонига номуқаддас деб қараган, Иноят РУҲИГА нафрат кўрсатганга қанчалар оғир жазо лойиқ кўрилганини тасаввур қилинг? Чунки биз Қасос МЕНГА хосдир, деб айтган УНИ биламиз, Жазо бергувчи ҳам Мен, дейди РАБ. Ва яна, РАБ ЎЗ одамларини ҳукм қилади. Барҳаёт ХУДОнинг қўлига тушиб қолиш нақадар кўрқинчлидир.” Шу туфайли ҳам РАББИДАН кўрқиб доноликнинг бошланиши демак.<sup>6</sup> Биз У нима деса ўшани бажо келтиришимиз, динлардан узоқ туришимиз, ҳамда РУҲда қайта тирилишимиз зарур. Бу УНИНГ биздан нима исташи тушунарлидир, ҳамда РАБдан кўрқиб тушунарлидир.

Юҳанно 3:5да, ИСО Никодимга унинг РУҲдан туғилиши шарт эканлигини айтди. ИСО баъзи бир динга қўшилишингиз шартлигини ҳеч қачон айтмаган. МАСИХга имон келтириш диннинг ҳеч қандай турига умуман ўхшамайди. Яна, МАСИХга ишониш УНГА хизмат қилишини истаб одамни қидириб келаётган

ХУДО демакдир.

Одамлар кўпинча сўрашади, “Масихийлик ва дин ўртасида қандай тафовут бор?” Улар “Масихийлик динми?” деб сўрашлари мумкин. Бу саволга ҳаққоний жавоб бериш учун, мен Масихийлик дин эмас деб айтган бўлардим. Ҳақиқий Масихийлик нажотдир. Гарчанд Масихийлик дунёдаги беш асосий диндан бири бўлиши учун етарлича руҳий жиҳатдан камол топмаган деб ҳисобланса-да, гап шундаки, МАСИХга имон келтириш динга этикод қилиш дегани эмас. Шунингдек МАСИХга чиндан имон келтирганлар-булар Масихийлар, ҳар қандай Масихий дини деб тахмин қилинган динга эргашувчилар эмас деб биз буни тушунтиришимиз мумкин. Бу кунга қадар, динлар Масихийликка шафқатсиз даражада қарши бўлишдек тарихга эга.

Рим Католик Черкови уч алоҳида бошқа инквизициялар (католик черковининг асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш) давомида миллионлаб кишиларни қатл қилди. Улар эса ўтган икки минг йил мобайнида кўп болалар, ўз оналари ва оталари билан бирга қатл қилинган жойда Уэйко, (Тэхас, АҚШ) қирғини каби кўплаб бошқа котилликларни содир этдилар. Рим Католик Черкови томонидан содир этилган бу каби ҳаракатлар шу кунга қадар ҳам давом этиб келмоқда.

Биз Ватикан томонидан содир қилинган кўп бошқа ёвуз ва ваҳший ҳаракатлар каби Испан Инквизицияси бўйича (католик черковининг асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш) ортга назар ташлашимиз мумкин. Бу Аушвиц ва бошқа Нацист концентрацион лагерларида улар қатл қилган олти миллион Яҳудийларни ўз ичига олади. Масихийликка қарши

ҳозирги кундаги уруш Ватикандан келмоқда.<sup>7</sup> Кўпчилигимиздан мулкларимизнинг юз миллионлаб долларлари тортиб олинган, ҳақиқий қайта тирилган Масихийлар бўлган кўпчилигимиз Католик дини туфайли ёлғон айблов билан бир умрлик қамоқ жазосини ўтаяпмиз. Мен Рим Католик Черкови шайтоний культларига қатнаётган жажжи кексайган Католик она ва дадаларимиз ҳақида гапирмаяпман. Улар ушбу дунёнинг қолган барча аҳолиси каби бу ҳақиқатдан хабарсизлар. Шунга қарамасдан, мен айтаётганларим чиндир.

Польшада Католик ва Лютеран кўнғироқлари жаранглаётганда, миллионлаб айбсиз одамлар Герман газ камераларида ва печларида қатл қилинаётган, кейин эса кенг чуқурларга (ялпи, оммавий мазорларига) суриб (бульдозер билан) ташланаётган эди. Баъзилари ҳалиям тирик бўлганликларини менга айтишган. Кузатувчи фаришталар буларнинг барчасини кўрган, ва кузатувчи фаришталар буларнинг барчасини эшитган.<sup>8</sup> ХУДО буларнинг барчасини кўрган, ва ХУДО буларнинг барчасини эшитган.<sup>9</sup> Тез орада келажак Ҳукм Куни учун ХУДОга шукроналар бўлсин.<sup>10</sup>

Луко 12 боб, 1-5 оятларда шундай дейилади, “Шу орада, сон-саноксиз одамлар тўдаси бири бошқасини сиқадиган қадар у ерда тўпланган пайтда, У [ИСО] аввало ЎЗИНИНГ

7 Дон. 7:7, 19-27, Вах. 13:1-7, 17:1-18 8 Ер. 4:16, Дон. 4 боб, Матто. 13:24-30, 36-43, 47-50, 24:29-31, Луко 15:4-10, 1 Кор. 11:10, 1 Тим. 5:21, Вах. 14:13-20 9 Қонун. 31:21, 2 Шоҳлар 19:27, 1 Солн. 28:9, Аюб 31:4, 34:21-22, 25, Воиз. 44:21, 139:1-6, 12-16, Ҳикмат. 15:3, 11, Иша. 29:15-16, Луко 16:15, Ибр. 4:13, 1 Юҳанно 3:20 10 Воиз. 12:13-14, Дон. 7:9-10, Матто. 3:12, 24:3-15, 29-44, Марк 4:22, Рим. 2:5-13, 16, 14:10-12, 2 Кор. 5:10-11, 2 Сал. 1:7-10, 2 Тим. 4:1, 8, Ибр. 10:30-31, Яҳудо 14-15, Вах. 1:7, 11:18, 20:11-15

## Конго Демократик Республикаси

(Француз тилидан ўгирилган)

Биз сизнинг худо йўлидаги хизматингиз томонидан қабул қилинганлар бўлиб саналдик!

Жасурлик маҳкам турмоқда. Ушбу дажжол, полиция-мамлакатни ҳукуматини намоён қилишингиз сабабли (нуқтаи назаридан) Масих йўлида жангчи эканлигингизни ушбу адабиётингиз орқали билиб олапман. Бу сизнинг довурак эканлигингизнинг исботидир. Озгина жасурлик бўлса бўлди; сиз бордош билан енгувчисиз, сиз эса буни биласиз.

Адабиёт ҳадясини илиқлик билан қабул қилардик. Аламо Худо йўлидаги Хизматларидаги барча Масихийларга Пасха байрами қутлуг бўлсин. Зигашейн Маройи Исроил

Суд-Киву Провинцияси, Конго Демократик Республикаси.

6 Аюб 28:28, Забур. 111:10, Ҳикмат. 1:7, 9:10, 15:33



шогирдларига гапира бошлади, иккиюзламачилик [гуноҳ] бўлмиш Фарзийларнинг [диндор Яхудийлар] хамиртурушидан кўз-қулоқ бўлинглар. Чунки очилмайдиган (ошкор бўлмайдиган) ҳеч қандай ёпилган нарса, маълум бўлмайдиган ҳеч қандай яширин нарса йўқдир; Шу боис, қоронғуда айтганларингиз ёруғликда [кузатувчи фаришталар ва ХУДО орқали] эшитилади; кийим шкафи ичида шивирлаб айтганларингиз эса уйларнинг томи устида бакириб эълон қилинади. Сизларга шуни айтай, МЕНИНГ дўстларим, танани ўлдириб, ундан кейин ҳеч нарса қўлидан келмайдиганлардан кўркманглар. Бироқ кимдан кўркишингизни сизга уқтирай: ЎЗИ ўлдириб, кейин Дўзахга ташлашга ҳам қодир Ундан (Худодан) кўркинглар; ҳа, сизларга айтаман, УНДАН кўркинглар [ҚОДИР ХУДОДАН].”

Нима қиларини билмай турган Одам Атога Худо яқин келди. ХУДО унга абадий ҳаёт кечириш учун ҲАЁТ

дарахти мевасидан ейишни айтди, бироқ бунинг ўрнига, у ХУДО унга ема деб тайинлаган яхшилик ва ёмонликни билиш дарахти мевасидан еди.<sup>11</sup> Яна, ХУДО Одам Атога нажот топиш хабари билан келди, лекин Одам Ато Шайтоннинг динини (илм) афзал кўрди. ХУДО шунингдек бутун дунёга, жумладан сизга ҳам нажот топиш хабари билан келажак, аммо ҳайвонлар ва одамлар терисига ёпишиб қолувчи қапа (жўлак) каби, сиз юксак эҳтимоллар ила Шайтоний динга ёпишасиз, шундай эмасми?

ХУДО Шисга нажот топиш хабари билан келди, Шис эса ХУДОга сажда қила бошлади. Кейин ХУДО ХУДО билан бирга юрган Ханўхга келди ва ХУДО уни ЎЗИ билан бирга бўлсин учун Жаннатга олиб кетди.<sup>12</sup> Сўнгра, ХУДО Нуҳ пайғамбарга келди.<sup>13</sup> Нуҳ ҳам, бошқаларнинг ҳеч бири ҳам ХУДОга келмади. ХУДО уларга келди. Иброҳим бутга топинувчи, дин

11 Ибр. 2:16-17, 3:1-6 12 Ибр. 5:22-24, Ибр. 11:5  
13 Ибр. 6:11-18, 22, Ибр. 11:7

## Малави

Азиз Тони Аламо Худо Хизматлари,

Аввало ва биринчи навбатда, Эгамиз Исо Масих номидан саломларни қабул қилинг. Умид қиламанки ва ишонаманки, сизнинг аҳволларингиз яхши. Биздан сўрасангиз, худога шукур. Раббимиз бизни кун тун етакламоқда.

Тони Аламо адабиётини тарқатганда ва у ҳақда шаҳодат берганда, Ҳаворийлар 1:8 ва Марк 16:15-16 китобидаги сингари Муқаддас Рухдан ҳамиша таъсирланамиз, чунки Чўпон Тонига адабиётларни, Инжиллар ва китобларни эълон қилиш орқали бутун дунёга етишдек Қодир Худонинг қудрати тўлиқ инъом қилинган. Шундай экан, биз шунингдек бу қудратини кўчаларга етказяпмиз, шаҳарларда, кишлок жойларда ва шунингдек қамоқхоналарда Мусулмонлар, Ҳиндилар, Иагово (Яхвех) Шоҳидлари, ва бошқалар каби одамлар ўз динидан ҳақиқий Худога чиндан ҳам ўтиб бормоқда.

Шу ерда Малавида, Чўпон Аламони ўзимизнинг кундалик ибодатларимизга қўйяпмиз, гарчанд у қамоқда, бир кун келиб, Эгамиз номи билан у озод бўлиши керак. Адвокатлар унинг ишини кўриш санасини ўзгартирмоқдалар, унинг кўзи кўрмай қолган, лекин Худонинг қодирлиги ва бир кун у бундай барча синов вақтларини енгиб ўтажаги туфайли буларнинг барчасидан ташвишланмаса ҳам бўлади. Аюб ва Юсуф бир қанча синов вақтларини бошидан ўтказган эди. Юсуф ўз қариндошлари томонидан сотилганди, бироқ Худо уни юксакка кўтарди. Шундай қилиб, агарда Америка ҳукумати Чўпон Аламони синов вақтларидан ўтказаетган экан, вазият Худо қўлида. Бир кун, ҳамма нарса Эгамиз номидан яхши бўлади.

Биз сиз учун куну тун ибодат қилмоқдамиз ва Тони қамоқдан чиққунга қадар рўза тутмоқдамиз.

Эгамиз номидан эҳтиром ила,  
Чўпон Данилек Хэрри Митепа

Тони Аламо Хушхабарчилик хизматлари, Блантайр Шаҳри, Малави, Африка

аъзоси эди, аммо ХУДО унга келди. Иброҳим ХУДОга келмайди.<sup>14</sup> Мусо ХУДОга келмади; ХУДО пайдо бўлди, ва Мусога келди.<sup>15</sup> ХУДО шогирдлар каби юзлаб бошқа одамларга келди. У Ҳаворий Павлуснинг, диндорнинг нажот топишига сабаб бўлиб унга келди.<sup>16</sup> Павлус ўз нажот топишида, қоронғулик кучларига қарши яхши жанг қилишда ХУДОга фойдали бўлди, бу шунингдек бутун Янги Аҳднинг учдан иккисинининг у томонидан ёзилишини ўз ичига олади. Ҳақиқий нажот буларнинг барчасини ўз ичига олган эди.

Дониёр китобида, уч Иброний бола (Шадрах, Мешах ва Абеднаху) шоҳнинг олтин бутига топинагани боис—шоҳнинг динига мансуб бўлишдан бош тортгани боис барчаси оловли ўчоққа ташланган эди.<sup>17</sup> “Оловнинг ҳеч кучи етмади [улар танасига], уларнинг на сочлари куйган, на устки кийимларига зарар етган, на оташ (тутун) хиди улардан келарди. Сўнгра Навухадназар гапириб шундай деди, ЎЗ фариштасини юборган, ҳамда УНГА инонган ЎЗ хизматкорларини озод қилган, шунингдек шоҳ сўзини ўзгартирган, ўз ХУДОсидан бошқа ҳар қандай худога [ҳар қандай дин] хизмат қилмаслиги мумкинлиги учун ўз таналарини топширган Шадрах, Мешах, ва Абеднаху ХУДОсига ҳамду санолар бўлсин” (Дониёр 3:27-28). Янги Аҳдда, Ҳаворий Юҳанно шунга ўхшаш кечинмани бардош билан кечирди. У мойда қайнатилди ва ёниб кетмади. У қайнатишдан ўлмади ҳам.

Бутун Инжилнинг ҳамма жойида, инсон ХУДО билан алоқага киришганда, ҳамиша ХУДО у билан дастлаб алоқа боғлагани туфайли эканлиги ажойибдир. ХУДО шунингдек дастлаб Аюбни топиш учун келди, кейин эса Аюб УНГА хизмат қилди. Инжилда инсонда биринчи бўлиб, ХУДОга хизмат қилиш фикри борлиги сабабли

(4 Саҳифада давоми бор)

14 Ибр. 12:1-8, 17:1-9, Ҳаворийлар 7:2-3, Ибр. 11:8  
15 Чикиш. 3 боб, Ҳаворийлар 7:29-34 16 Ҳаворийлар 9:1-22, Гал. 1:13-19 17 Дон. 3 Боб.



Чўпон Аламога мактублар  
[www.alamoministries.com](http://www.alamoministries.com)

## +НАЖОТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ

(3 Саҳифанинг давоми)

ХУДОга хизмат қилган ҳолат йўқ. Бутун Инжилда ХУДОнинг одамни топиш учун келиши ҳақидагина гап боради. Бир куни, Ишаё ваҳий кўрди, ва РАБнинг бундай деган овозини эшитди, “Кимни юбораман, БИЗ учун ким боради? Кейин мен айтдим, Мен шу ердан; мени юбор” (Ишаё 6:8). Ваҳий кўргандан кейин, Еримие унга ЯХВЕХ (Яратувчи, Худонинг ибронийча номи) айтишни буюрган сўзларни Исроилликларга башорат қилиш учун ўрнидан турди (Ермие 1:4-19). Дониёр ҳам ЯХВЕХга (Худонинг ибронийча номи) Куддусни тиклашни тиз чўкиб ялиниб рўза тутиб ибодат қилишдан олдин ваҳий кўрди (Дониёр 7-9 боблар). Бутун Инжил инсон ХУДОга хизмат қилишдан аввал дастлаб ХУДО инсонга келишини кўрсатади.

ХУДО мен ва бошқа нажот топган чўпонлар ва инжилчилар орқали сизга боғланмоқда, шундай экан сизда бошқа баҳона йўқ. Нажот топган бизнинг ичимизда ва биз орқали яшаётган, ҳамда ишлаётган ХУДО РУҲИ дин учун эмас, балки нажотингиз ва бошқалар нажот топиши учун сиз билан боғланиш мақсадида сизнинг кетингизга тушган.

Римликларга 10:12-15 да ХУДОдан юборилган воизлар (жарчилар, эълон қилувчилар) куйидаги сўзларда нажот топишга одамларнинг ишонишлари учун дунёга юборилиши шартлигини очиқ ва равшан баён қилади: “Чунки Яхудийлар билан Юнонлар [Ғайрияхудийлар] ўртасида асло фарк йўқ; барчаси устида Раббийси бир бўлиб, Унга илтижо қилганларнинг биронтасидан Ўз меҳр-шафқатини аямайди. Ахир, Раббимиз номидан илтижо қилган ҳар бир инсон кутқарилади. Унда УНГА ишонмаганлар қандай қилиб Унга илтижо қиладилар? У ҳақда эшитмаган бўлсалар, қандай қилиб Унга ишонадилар? Воизсиз (Хушхабарни эълон қилмасдан) улар қандай қилиб эшитадилар? Улар юборилмасалар, қандай қилиб Хушхабарни эълон қиладилар? Муқаддас Битикларда куйидагича ёзилган-ку, Тинчлик Хушхабарни ва яхши нарсалар хушхабарини эълон

қилган хабарчининг пойқадамлари нақадар гўзал!”

Яна, ИСО бизни сизга юборди. ХУДО сизни кидирмоқда; сиз ХУДОни кидирмаяпсиз. Бу ҳақиқат сизга Луконинг 10 боби, 1-12 оятларида тасвириб берилган, унда бундай дейилади:

Бу нарсалардан кейин Раббимиз бошқа етмиш одамни [шогирдларни] танлаб олди. Уларни иккита-иккита қилиб, боришни мўлжаллаган ҳар бир шаҳарга, ҳар бир жойга Ўздан олдин жўнатди. У уларга шундай деди:— Ҳосил чиндан ҳам мўл, аммо меҳнаткашлар эса оз: Ҳосил ЭҒАСИдан Ҳосилингни йиғиб олишга яна ишчилар юбор деб сўранглар. Йўлларингдан қолманглар (айтилган жойларингдан қолманглар): Мана, Сизни бўрилар орасига қўзилардай юборяпман. Ўзларингиз билан ҳамён, тўрва, чорик олманглар: Йўлда ҳеч ким билан саломлашманглар. Бирор хонадонга кирганларингизда, аввало, Хонадонингизда тинчлик-омонлик бўлсин, деб айтинглар. Агар ўша хонадонда тинчлик ЎҒЛИ бўлса, сиз

тилаган тинчлик ўша ерга ўрнашади: Бўлмаса, ўзингизга яна қайтиб келади. Кирган хонадонингизда қолинглар. Олдингизга нима қўйишса, ўшани еб-ичинглар: Чунки ишчи меҳнатига яраша тақдирланишга муносибдир. Уйма-уй юрманглар. Бир шаҳарга кирганингизда, шаҳар аҳолиси сизларни қабул қилса, олдингизга қўйганларини енглар: Ўша ердаги хасталарга шифо бериб, шаҳардаги одамларга, Худонинг Шохлиги сизларга яқинлашди, деб айтинглар. Аммо бирон шаҳарга кирганингизда сизларни қабул қилмасалар, ўша шаҳарнинг шох кўчаларига чиқиб шундай деб айтинглар, норозилигимиз тариқасида шаҳрингиздаги ёпишган чангни ҳам қоқиб кетяпмиз: Аммо билиб қўйинг, Худонинг Шохлиги сизга яқинлашди. Сизларга айтаманки, ўша кунда ўша шаҳардан кўра Садўм шаҳрига кўпроқ марҳаматлилик бўлади.

МАСИХга инонганлар ХУДО томонидан инонтирилганларидан ва таъсир этилганларидан кейин ХУДОга хизмат қилишаётган бир вақтда, динга эътикод қилувчилар худо деб

## Гаити

(Французчадан ўғирилган)

Ҳурматли Чўпон Тони Аламо, Худо хизматкори,

Эгамиз Исо илойим хушхабарчилик хизматингизнинг ҳар бир жабҳасида, айниқса хушхабарчиликни тарғиб қилишда дунё бўйлаб барчанинг Исо учун қалбларини очиши учун бундан кўпроқ ёрдам берсин. Исо Масихнинг Хушхабарини гуллаб-яшнатишимизга имкон бериш мақсадида сизнинг бизга йўллаган мактубхалталар (адабиётлар, *Муқаддас Ёз Суртилган* китоблари, ва Инжиллар) учун жуда миннатдормиз. Ташаккур. Жаннат бўш эмас; Эгамиз бунини ҳисобга олиб қўйган. Жуда тез-орада Groupe Fiancée De Christ Раббимиз Исо ишида сизни қўллаб-қувватлаш мақсадида почта билан сиз учун кутилмаган совға йўлламоқчи. Бу кутилмаган совгани олганингизда бизга билдиринг.

Биз куйидаги саналарда хушхабарни тарғиб қилиш усулида адабиётларни тарқатишни истаймиз: биз Понт-Роуджада Буюк Хушхабарни тарғиб қилиш Кампаниясини чақирган 2013 йил, апрелнинг 1, 2, 7, 8, ва 10 саналарида тарқатишни истаймиз. Акустика тизимига эга очиқ ҳавода бўладиган хизматлар икки кун давом этади ва уч кунлик Раббимиз учун хушхабар тарғиб қилиш бўлади. Илтимос ибодатингизда бизга кўмак беринг, чунки шайтон биз билан жанг қилмоқда, лекин ғалаба бизникидир.

Адабиётларни тугатиб (тарқатиб) бўлганда, яна бошқа йўллашингизни сўраб хабар қиламиз.

Биз сиз учун ибодат қилишда давом этмоқдамиз, ташвишланманг, зеро сиз Масихда яширинсиз. Ғалаба сиз ва оилангиз учундир.

Ҳамиша гуноҳлардан фориғлик, биров учун сўраш (бирор учун ибодат қилиш), рўза ҳамда биродарлик севгиси билан қолинг. Ўзингизни ушбу бузилган авлоддан сақланг.

Цезарь Француз Юниор

Бош Кординатор (Groupe Fiancée De Christ)

Понт-Роудж, Гаити



ўйлаганларига хизмат қилишдек ташаббус кўрсатадилар. Шу сабабдан, уйдирма бўлган худога хизмат қилишга, шунчаки динга хизмат қилишга киши шошилмаслиги кераклигини айтаман. Биз ХУДОга қачонки У, ЎЗ РУҲИ орқали ичимизда бўлганидагина хизмат қиламиз.<sup>18</sup> Агарда биз аввалом бизнинг ичимизда яшовчи ХУДОсиз ХУДОга хизмат қилсак, нажот топишдан кўра динда бўлган бўламиз. Мажозий гапирганда, бугунги кунда кўпгина одамлар ташқаридан “Масихий” белгисини илиб олган, бироқ ичиларидан эса улар диний ташкилот билан машғулдирлар. Ўз мияларида улар Масихийдирлар, лекин аслида эса улар шунчаки диндордирлар.

Масихий бўлиш нимани англатади? Масихий бу РУҲ орқали унинг ичида яшаётган ва ишлаётган МА-

СИҲи бор, ва ХУДОга хизмат қилиш учун МУҚАДДАС РУҲ орқали кўзгалган кишидир.<sup>19</sup> Бошқа бир томондан, диндор киши худога хизмат қилаяпман деб ишонувчи ва худоси унинг нима қилишини истайди деб ўйлаганини қилишни ўта истовчи кишидир. Бу бугунги кундаги кўплаб даъвогар Масихийлар ҳолатидир. Улар даъво қилувчи Масихийлик динидир, лекин улар қайта туғилмаган. Улар нажот топмаган, шу сабабли улар МАСИҲни билишмайди, шунингдек улар УНГА қандай хизмат қилиш борасида ҳеч нарса билишмайди. Улар МАСИҲга эргаша олишмайди, чунки улар УНИ эшитишмайди.<sup>20</sup> Шу боисдан, ўзбошимчадирлар, ҳақиқий ХУДО эса улардан фойдалана олмайди. Улар фойдасиздир. Шундай бўлса-да, чин Масихийлар тажриба-

сида, РАБ уларга барча нарсада йўл кўрсатувчи БИРИдир. Улар шунчаки бундай дейишади, “Ҳа. Омийн.” РАБ уларнинг йўл кўрсатувчиси ва уларнинг ХУДОсидир. Бу диндор одамлар тутган йўлидан бутунлай бошқачадир.

Ҳаворий Павлус РАБни Дамашқ йўлида учратгандан кейин, унинг дастлаб гапирган сўзлари бундай эди, “СЕН кимсан, ЭГАМ?” (Павлус бу ЭГАМИЗ эканлигини биларди, акс ҳолда у “СЕН кимсан, ЭГАМ?” деб сўрамасди. Сўнгра ЭГАМИЗ унга бундай деди, “Мен сен таъқиб қилган ИСОман” [МАСИҲ ибодатхонаси аъзоларини таъқиб қилган ҳар қандай киши, МАСИҲни таъқиб қилган бўлади. Бу УНИНГ танаси, УНИНГ маъбади, МАСИҲнинг Танаси бўлганимиз туфайли шундайдир].” Биринчи Коринфликларга 3:16-17 да бизга мана булар айтилади, “Наҳотки билмасангиз? Сизлар Худонинг маъбадасизлар, Худонинг Руҳи ичингизда яшамоқда. Кимки Худонинг маъбадини бузса (ҳаром қилса) [ЭГАМИЗНИНГ ТАНАСИ, бу бизлармиз], уни Худо уради. Чунки Худонинг маъбади муқаддасдир; бу маъбад эса сизларсиз”. Бу Муқаддасдир, чунки ичида МАСИҲ РУҲ орқали ОТА билан бирга яшамайдиган ўлик динга эргашмаяпсиз, унинг ўрнига сиз нажот топган, қайта тирилган Масихийсиз. Агар нажот топсангизлар, ХУДОНИНГ маъбади бўлсангизлар ичингизда ОТА, РУҲ орқали МАСИҲ яшаши тайин. Шу боис, ичида ХУДО яшайдиган ТАНА Муқаддасдир, ичида ХУДО яшамайдиган тана Муқаддас эмас, балки ёвуздир. Худо Ҳукм Тўсиғида турган вақтингизда сиз шубҳасиз ҳамма нарсдан кўра кўпроқ Муқаддас бўлишни истайсиз.

Дунё чалғитишлар ва алахситишлар билан тўла. Булар кўнглингизни ХУДО хизматида ва МАСИҲни ЎЗ ОТАСИ билан ичингизда саклаётган оламдаги яккаю ягона муҳим нарсдан миянгизни янглиш йўлга бошловчи Шайтоннинг чалғитувларидир, - “Нафаси бурун ковагида бўлган одамдан ўзингизни узоқ тутинг: нимага уни арзирли деб ўйлайсан?” (Ишаё 2:22).

Танловингиз ушбудир: ХУДОНИНГ Муқаддас ТАНАСИ бўлишни истайсизми, ёки Шайтон уя қурган (8 Саҳифада давоми бор)

18 Ҳизқ. 36:27, Юханно 14:15-20, 23, 26, 15:1-11, 26, 16:7-14, Рим. 8:1, 10-11, 26-28, 1 Кор. 3:9, 16-17, 6:19-20, 2 Кор. 6:16-18, Эф. 2:18-22, Филп. 2:12-13, Кол. 1:27-29, 2 Тим. 1:14, 1 Юханно 4:4, 5:12 19 Иша. 30:21, Юханно 15:1-5, 17:21-23, 26, 1 Кор. 15:10, 2 Кор. 5:17-21, Гал. 2:20, Эф. 3:16-21, 1 Юханно 2:20, 27 20 Юханно 8:42-43, 10:27

## Арканзас

Чўпон Тони,

Янги Орлеандан меҳмонхона бошқарувчиси бўлмиш Вера бир неча кун аввал мени чақирди. У уларга жарроҳлик операцияси талаб қилингандаги ва Янги Орлеандаги шифохонага боргандаги каби ҳолатларда қачон эҳтиёжи бўлса биродарларимиз ва опа-сингилларимизга ёрдам берган биридир.

Вера ўз меҳмонхона ходимлари билан кўп муаммоларга дуч келганда сиз унга берган маслаҳатларни ҳеч қачон унутмаган. Сиз айтгансиз, “Яхши ишга муҳтож бўлган Масихийларни нима учун ишга ёлламайсиз ва барчангиз Раббимизга биргаликда юз бура олардиларинг?” Ишонманки, тижоратингиз гуллаб-яшнайдир.” Вера дарҳол сизнинг маслаҳатингизни олди ва тез орада у Инжил ўқиш ва бирга ибодат қилиш учун ҳар куни ишни бошлашдан аввал меҳмонхонада бирга учрашган Инжилга-имон келтирган Масихийлардан иборат тўлиқ ходимлар штатига эга бўлди.

Мўжиза рўй берди—ҳамма жаҳду жадал билан ишлади ва хурсандчилик билан тозалади ва тартибга келтирди, ҳамда меҳмонхона тижорати гуллаб-яшнаб юксала бошлади ва улар Минтақавий Идордан таниқлик ёрлигини олишди.

Раббимиз Катрина Довули Янги Орлеанга урилган кечаси чамаси соат 1:00 ларда Верани уйғотди. У унга кийимларини ва баъзи бир заҳираларни машинага юклашни, ҳамда ўзи ва эрининг Джексон шаҳри, Миссисипига “ҲОЗИРОҚ, ТЕЗДА!!!” йўл олишини айтди. Галфпортдаги уйлари яқиндагина сотилгани боис, у ва эри меҳмонхонада тунаётган эди.

Худо нафақат унинг ҳаётини сақлаб қолди, балки у шунингдек сут беги ракидан омон қолганлардир. Сиз айтганингиздек, Чўпон Тони, у аёл кўп йиллар давомида ёрдамга муҳтож бўлган биродарлар ва опа-сингилларга бошпана бериб меҳрибонлик уруғини сепди ва Худо унга мурувват кўрсатди.

У Худо сизга берган СДлардаги мактубларни тинглади, ҳамда у сиз Худодан эканлигингиз, ҳамда шунчалар кўп меҳр уруғини сочганингиз учун сизни Раббимиз номидан яхши кўришини ва сиз учун ибодат қилаётганини, ҳамда Худо сиз учун кучли қадам ташлашини билишингизга амин бўлишни истади. Раббимизга Ҳамду Санолар бўлсин.

Мэрри Аннзўр

Тексаркана, Арканзас



## Ҳиндистон

Қадрдон Масихдаги Биродарлар,

Мен сизга шуни маълум қиламанки, Худо улуғворлиги учун, йиғилишларимиз ажойиб мўжизалар билан якунланди. 1,000 дан кўпроқ аъзолар иштирок этди. Йиғилишлар давомида, одамларнинг йирик тўдасига адабиётингизни таништирдим ва шунчалар кўп аъзолар Раббимизни қабул қилди.

Раббимизга шон-шараф бўлсин. Ҳар бир киши Чўпон ҳолати бўйича ибодат қилди. Биз учун ибодат қилинг.

Севикли биродарингиз,

Солман Ражу Кола

Андхра Прадеш, Ҳиндистон

## Филиппин ороллари

Катта раҳмат, Чўпон Тони, ушбу “Тиш ғижирлатиш ва ғачирлатиш” деган ушбу ажойиб мақолангиз учун. Худовандга ҳамду санолар бўлсин! Мен буни жуда ёқтираман, чунки у интизомни талаб қилади.

Интизомга дунё бўйлаб Масихийлар бугунги кунда ўта катта эҳтиёж сезади.

Чўпон Сесилио Х.Асис, Жр.

Албей, Филиппин ороллари



*Дараконда Видя Сагар-Телугу тилига таржима қилинган қалбларни забт қилувчи Чўпон Аламнинг адабиётларини Ҳиндистондаги Висакапатнам, Андхра Прадеш атрофидаги қишлоқ ва шаҳарларда тарқатади.*



## Калифорния

Масихдаги Биродарларимга,

Умид қиламанки, барчангиз Масихда яхши ва зўр ҳис қиялсиз. Электрон мактуб гуруҳимдан эшитишдан доимо хурсандман. Мени ибодатларингизга қўшганингиз учун миннатдорман. Сиз барчангиз, айниқса Чўпон Тони ибодатимда бўлмайд ўтадиган куннинг ўзи йўқ. Мен бугун бир кути адабиётларни қабул қилиб олдим ва менда ҳали бўлмаган катта ассортиментни топганимдан ниҳоят ҳаёжонландим. Бу чиндан ҳам Милод (Пахса)байрами совғаларини олишдек эди. Адабиётда мен Худони эндигина ҳис қила олдим. “Худонинг Онаси Йўқ” китобини қўлга олдим ва (руҳий) кулоқлари динг бўлган ҳар қандай киши учун овоз чиқариб ўқий бошладим. Худого ҳамдлар бўлсин.

Кўпи билан бир hafta илгари, Лос Анжелесдаги ибодатхонага бориш учун ҳозир ёқилғига харажат тўғрисида хотинимга айтаётган эдим. Ва кейин таклифингиз мен қабул қилиб кўрмоқчи бўлган таклиф бўлди. Бориш-келиш чиптаси \$100 турарди, бироқ энди бўлса

бориш-келиш \$200 туради, шундай бўлса-да, агар У истаса, худолар Худоси ва барча эгаларнинг Эгаси қандай бўлса-да эшик очишини, йўл очишини биламан. Таклиф учун раҳмат. Тўлиқ 3 haftaга ва ибодатхонага бориш учун бўғчаларимни йиғиштиришимни айтаётган Худо овози билан, мен ўтмишда қатновчи Масихий бўлиб марҳаматланган эдим, ва шундай ҳам эди, ҳалиям бу қачонлардир менда бўлган энг руҳий тажрибадир. Мусиқа жуда гўзал эди, ҳамда Худо ҳар бир хизматда юришини сеза олардим. Мен ибодатхонага олиб борувчи водийдан машина ҳайдаб кетаётганда, Худо совғаларини ҳис қила олардим, яна бошдан ўтказишни истардим. Таом ажойиб бўлганини айтмаса ҳам бўлади ва барча шохидликларни эшитишни, кўчаларда биродарлар билан ишлай бошлаш ва бунинг қандай бўлишини кўришни айтмаса ҳам бўлади. Биродарлар Худо Каломи билан улардан сўралган ҳар қандай саволга жавоб бера олиши йўсини, мен ҳам айнан ўшандай нарса қила олишни исташимни билган

вақт бўлди. Энди бир неча йиллар кейин, кўп ўқиб ўргангандан кейин, мен деярли ўша ерда бўламан.

Шундай қилиб, уларнинг янги рок юлдузи папа оммага айтган биринчи нарса унинг Бокира Марямга ибодат қилиш учун бормоқчилиги бўлди. Кўрни чуқурга етакловчи кўр ҳақида сўзлашинг! Қойил! Бир хилдагисидан кўпроқ! Шу боисдан ҳам “Худонинг Онаси Йўқ”ни ўқиш мувофиқ деб ўйлаган эдим. Чўпон ҳамиша мени ҳақ йўлга бошқаради. НУЖлар, Чўпон ва Сузи ҳамда буларнинг барчаси қандай қилиб ҳаётимда рўёбга чиққани тўғрисида келгуси ёзишларимда барчангиз билан бўлишадиган баъзи гувоҳликларим бор. Мен Раббимиздан барчангизни бугун ва ҳар куни кўтонга кўпроқ қўй олиб келишингиз учун марҳаматлашини сўрайман, чунки ҳаммангиз шу қадар мўжизавий тарзда бажарасиз. Худого ҳамду санолар бўлсин.

Хайрли оқшом.

Биродар Том С.

Калифорния



## Замбия

Хурматли Чўпон,

Раббимиз Исо Масих сизни чорлаган ишга миннатдорчилик билдириш билан бошлай қолай. Инжил адабиётини ибодатхонангиздан илк бора қабул қилиб олган вақтим 2012 йилнинг тахминан июнь ойлари эди. Жами бўлиб, 382 янгилик варақалари ва бошқа адабиётлар, 6 дона *Муқаддас Ёғ Суртилган (Messiah)* китоби, ҳамда бир дона Қирол Ёкуб Инжилини (KJV Bible) олдим. Қандай ажойиб иш қилинибди! Бу ҳайратланарли ва лол қолдирувчи! Миннатдорчилигимни таърифлашга сўзларим ожиз, аммо ҳамма нарсани билгувчи Раббимиз ҳам менинг ҳаётимда, ҳамда адабиётлар тарқатилган барчанинг ҳаётида сизнинг илҳомбахш адабиётингиз не қадар таъсир этганлигига гувоҳ шоҳидимдир.

Раббимиз қачонки менга имконият ва вақт берса, адабиётлар талабалар ётоқхоналарида ва автобусларда, баъзан эса кўчаларда, дўкон жойларида ва бошқа жойларда сайр қилиб юрганимда тарқатилиши мумкин. Бу хушxabар тарқатишлик (евангелизм) ёки шунчаки шахсий ташриф вақти давомида амалга оширилиши мумкин.

Баъзи дўстларим (Рабдаги биродарларимиз) Худо уларни бир белгиланган вақтга ёки бошқа вақтга белгилаганда, хушxabар тарқатиш (евангелизм) учун улардан фойдаланиш мақсадида бир неча *Муқаддас Ёғ Суртилган (Messiah)* китобини ва бошқа адабиётларни олди. Бу сизнинг илҳомбахш ёзганларингиз дунёнинг бир қанча қисмига етиб боргани каби, Эй Художўй зот, биз шунингдек ушбу адабиёт мамлакатимиз (Замбия) ичида ва ташқарисида тўлиқ тарқатилиши учун ибодат қилишимизни ва бунга ишонишимизни англагади. Ҳа! Исо Масих тўғрисида ёзганларингизда равшан тушунтирилган барака чакмонини ўқиган ва ишонганлар шубҳасиз нажот топажак!

Художўй Инсон, адабиётингизга яхши тушунтирилган Худо севгиси сирлари сизнинг Муқаддас Рухда ёнган шунчаки чўпон ва инжил тарғиботчиси эмаслигингизни кўрсатиши тўғрисида Худонинг Ўз ҳаётини бошқаларга улашишига йўл бериш учун гувоҳлик бера оламан. Адабиётингизни ўқиган кўплар Чўпон Аламнинг ёзувлари ортидаги кудрат тўғрисида гувоҳлик бериб қайтиб келдилар. Уларнинг жоҳилликдан кўзлари очилди ва Жаннат масалалари бўйича бунданда жиддийроқ муваффақият қозониш учун доноликка тўлиб тошди.

Ушбу ажойиб ишни бажаришга бизни чорлаган ва Ўзининг кудратли кўлларида (Дониёр 5:23) ҳаётимизни ва йўлларимизни бошқариб турган Қодир Эгамиз буюк Худомиз ва Нажоткор Масих Исонинг пайдо бўлишига қадар сизни кучли ва айбисиз сақласин, илойим. Омийн. (Яхудо 24-25, Титус 2:11-15, I Коринфликларга 1:7-9).

Шу сабабдан, энди мен агар ибодатхонангиз уларни кўзда тутилган (белгиланган) рақамларда (адабиётлар рўйхаги тушириб қолдирилган) юбора олса, мана бу йиллардаги сизнинг муқаддас ёзувларингиз бўйича янги илтимос билан мурожаат қиламан.

Уриниш ва имкон қадар ёрдам учун (шай) ҳозирлигингиз чуқур баҳоланади.

Исо Масихнинг буюк чорловида эҳтиром ила,  
Зимба Мозес

Лусака, Замбия

## Нью Йорк

Нью Йорк

Тони Художўй яхши инсон. Уни 43 йил давомида биламан. Худо уни марҳаматлайди. Мен Тони Аламони шахсан биламан. Тони Католик Ибодатхона борасида ҳақ ва бу ҳақда гапга чечан бўлгани ва Масих учун Яхудий Масихий бўлгани учун ҳаддан ташқари таъкибдан азият чекди. Тони Масих йўлидаги яхши инсон, ҳамда у ўзига нисбатан Масихдаги имони учун бўлган шайтоний кучлар томонидан сохта айбловлар бўйича қамокқа жўнатилди. Унинг учун барчамиз ибодат қилишимиз керак. Исо учун турганингиз ва шайтоний ёвузликларга қарши турганингиз учун Сизни Худо марҳаматласин, Тони.

Тед Уитус

Нью Йорк, НЙ

## Австралия

(Испанчадан ўгирилган)

Биродар Тони Аламога,

Азиз Масихдаги Биродар, чиндан ҳам вебсаҳифангизни ёқтириб қолдим ва сизнинг баёнотларингизга тўлиқ қўшиламан. Имоним комилки, бу Битикларни янада кўпроқ синчковлик билан изланишимизнинг айна палласи.

Илтимос, 333 башоратни ўз ичига олган *Муқаддас Ёғ Суртилган (Messiah)* китобини менга йўллашингизни ўтиниб сўрайман. Шунингдек, агарда ҳаёт-мамотдек муҳим бўлган ушбу мавзулар бўйича ҳар қандай бошқа видео ёки китобингиз бўлса, илтимос имондилар учун йўлланг.

Катта раҳмат, ушбу ҳақиқатларни эълон қилишда сизнинг худо йўлидаги хизматингиз учун ибодат қиламан.

Масих номидан марҳаматлар бўлсин,  
Беатриз Мартинез

Фернтрии Гулли, Виктория, Австралия

## Нью Мексико

Бир қанча йиллар муқаддам, Петр Хернандез қамокда эди, бош мия ўсмаси билан қаттиқ касал эди. Шифокорлар яшашига 90 кун қолганини айтишди. У имонини мустаҳкамлаб, унинг шифо топишига (имон билан) эришиши ва бунга даъво олишига далда бериб Пётр билан ёзишиб турган Чўпон Аламога ёзди. Бутун ибодатхона унинг учун ибодат қилди. Пётр миннатдорчилик мактуби билан жавоб берди, чунки Пётр яна Раббимиз Чўпон Аламони кудратли йўл билан фойдаланганини ва у шифо топганини айтди. Пётр голф тўпи ҳажмига етган бош мия ўсмаси таъсирисиз ғолибона қадам ташлашда давом этмокда. Раббимиз унга 100% шифо берди, ва бундан бир оз кейинроқ, у қамокдан озод бўлди, ҳамда ўз рафикаси ва кизи билан яна бирлашди.

Нью Мексиконинг Лас Крюсес шаҳрида хушxabар адабиётини ибодатхонадан бир жуфт (эрли хотин) тарқатаётганда, яқинда, улар уни тасодифан учратиб қолди. У Чўпон Аламо қандай қилиб ҳамиша муҳтожликдаги бошқа одамларга ёрдам бераётганини, ҳамда кийим-кечак юбориб, шунингдек қамокда бўлган вақтида оиласи учун ибодатхонада қолиши учун жой таклиф қилиб унинг оиласига ёрдам берганини қай тарзда эслай олишини уларга айтиб берди. Пётр Тони муҳтожлик соатларида унга ёрдам берганини айтди. Пётр ўзининг ҳуқуқшунос ёрдамчиси касби билан Тонининг ва ибодатхонанинг хизматида бўлишни истаганини ва хушxabарлар адабиётимизни бу ҳудудда тарқатишни хоҳлашини айтди.

## Буюк Британия Қўшма Қироллиги

Биродар Тони гапирганда, Ватикан терак баргидек титрай бошлайди. Сиз қочаётган шайтонни ушладингиз, биродар Тони, Исо номи билан, Омин.

Жонатан Бейлей Ньюкастл, Буюк Британия

## +НАЖОТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ

(5 Саҳифанинг давоми)

бошқа бир бетавфиқ (unholy) танаги-на бўлишни хоҳлайсизми? МАСИХнинг ТАНАСИ бўлиш танловингиз бўлса, ушбу ибодатни айтинг:

Раббим ва Худойим, қалбимга, гуноҳкорга раҳм қил.<sup>21</sup> Ишонаманки, ИСО МАСИХ тирик ХУДОнинг ЎҒЛИДир.<sup>22</sup> Ишонаманки, У барча эски гуноҳларимнинг кечирилиши учун У хочда қурбон бўлди ва ЎЗИНИНГ қимматли қонини тўқди.<sup>23</sup> Ишонаманки, ХУДО ИСОни МУҚАДДАС РУҲИ кучи орқали ўликлардан тирилтирди,<sup>24</sup> ва У гуноҳимни тан олишимни ва бу ибодатни эътироф этишимни эшитиб бу вақтда ХУДОнинг ўнг қўлида ўтиради.<sup>25</sup> Юрагим эшикларини очаман, ва СЕНИ қалбимга чорлайман, РАББИМ ИСО.<sup>26</sup> Бош Суяги деган жойда хочда менинг ўрнимга СЕН тўккан қимматли қон билан бутун ярамас гуноҳларимни ювиб ташла.<sup>27</sup> СЕН мени рад этмайсан, РАББИМ ИСО; СЕН гуноҳларимни кечирасан ва қалбимни қутқарасан. СЕНИНГ

КАЛОМИНГ, Инжил шундай дегани учун биламан.<sup>28</sup> КАЛОМИНГ СЕН ҳеч кимдан юз ўгирмаслигингни айтади, ва бу мени ҳам ўз ичига олади.<sup>29</sup> Шу туфайли, СЕН мени эшитганингни биламан, ва СЕНнинг менга жавоб берганингни биламан, ҳамда нажот топишганимни биламан.<sup>30</sup> Ва қалбимга нажот берганинг учун СЕНдан миннатдорман, РАББИМ МАСИХ, ҳамда СЕН буюрганинг каби амрларингни бажо келтириш ва бошқа гуноҳ қилмаслик орқали миннатдорчилигимни билдираман.<sup>31</sup>

Қутқарилишдан кейин, ИСО сизнинг ОТА, ЎГИЛ, ва МУҚАДДАС РУҲ номи билан, тўлик сувга ботирилиб, чўмдирилишингиз зарурлигини айтди.<sup>32</sup> Инжилнинг Ёқуб Подшоҳ нусхасини кунт билан ўқинг ва ўладиган кунингизга қадар айтилганларига амал қилинг.<sup>33</sup>

РАББИМИЗ нажотинг (Марк 16:15) ҳақида бошқаларга айтишингни истайди. Чўпон Тони Аламнинг Хушхабар адабиётининг ёювчиси бўлишинг мумкин. Бу адабиётни сизга текинга йўллаймиз. Кўпроқ маълумот олиш учун бизга қўнғироқ қилинг ёки электрон мактуб йўлланг. Ушбу мактубни бошқа кимдир-бирова билан бўлишинг.

Агар ИСО буюргани каби дунёнинг нажот топишини истасангиз, унда ХУДОдан УНИНГ ушрлари ва эҳсонларини ўғирламанг. ХУДО шундай деди, “Инсон ХУДОдан нарса ўғирлашга журъат қиладими? Аммо сизлар Менинг нарсамни ўғирлаясизлар! Яна “нимангни ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз!. Э, лаънати бўлиб кетинглар! Менинг нарсамни ўғирлабсиз—а! Сизлар, бутун халқ, [ушбу бутун дунё] лаънатисизлар! Қани, омборхонага ушрни [ялпи киримингизнинг ўн фоизи] бекамми—кўст қилиб олиб келинглар. Хонадонимга [нажот топган қалблар] озуқа [руҳий озуқа] келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб кўринглар, — дейди Сарвари Олам. — Шунда кўрасизлар, Мен Само деразақопқаларини очаман. Сизларга марҳаматимни чексиз сероб қилиб ёғдираманки, уни қабул қилишга жой қолмагай. Мен нобуд қилганингиз учун юзига соламан. У экинларингизни нобуд қилмайди. Далада ҳосил вақти келгунга қадар узумзорларингиз ҳосили ерга тушмайди ҳам, — дейди Сарвари Олам. — Шунда барча халқлар сизларни бахтли деб атайди. Ҳа, юртингиз оромбахш бир жой бўлади, — дейди Сарвари Олам (Малаки 3:8-12).

21 (Заб. 51:5, Рим. 3:10-12, 23) 22 (Мат.26:63-64, 27:54, Луко 1:30-33, Юх. 9:35-37, Рим.1:3-4) 23 (Ҳав.4:12, 20:28, Рим.3:25, 1 Юх. 1:7, Вах.5:9) 24 (Заб. 16:9-10, Мат.28:5-7, Марк 16:9, 12, 14, Юх. 2:19, 21, 10:17-18, 11:25, Ҳав.2:24, 3:15, Рим.8:11, 1 Кор.15:3-7) 25 (Луко 22:69, Ҳав.2:25-36, Ибр.10:12-13) 26 (1 Кор.3:16, Вах.3:20) 27 (Эф.2:13-22, Ибр.9:22, 13:12, 20-21, 1 Юх. 1:7, Вах.1:5, 7:14) 28 (Мат.26:28, Ҳав.2:21, 4:12, Эф.1:7, Кол.1:14) 29 (Мат.21:22, Юх. 6:35, 37-40, Рим.10:13) 30 (Ибр.11:6) 31 (Юх. 5:14, 8:11, Рим.6:4, 1 Кор.15:10, Вах.7:14, 22:14) 32 (Мат.28:18-20, Юх. 3:5, Ҳав.2:38, 19:3-5) 33 (Қонун. 4:29, 13:4, 26:16, Ёш.1:8, 22:5, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, Ёқуб 1:22-25, Вах.3:18)

*Илтимос кўпроқ маълумот олиш ёки қизиқтириши мумкин бошқа мавзулар бўйича адабиётлар олиш учун бизга боғланинг.*

**Тони Аламо, Дунё Чўпони, Тони Аламнинг Дунё бўйлаб Христиан Хушхабарчилик хизматлари • Почта Қутиси 2948, Голливуд, СА 90078 АҚШ**

**Йигирма тўрт соатлик ибодат ва маълумот линияси: (661) 252-5686 • Факс (661) 252-4362**  
**www.alamoministries.com • info@alamoministries.com**

*Тони Аламнинг Дунё бўйлаб Христиан Хушхабарчилик хизмати чиндан ҳам РАББИМИЗга бутун юраги, қалби, вужуди ва кучи билан хизмат қилишни истаганларга АҚШ манзилларимизда ҳаёт учун зарур бўлган барча қулайликларга эга яшаш жой билан таъминлайди.*

**Хизматлар Нью Йорк шаҳрида ҳар Сешанба куни соат 8 тушдан кейин ва бошқа жойларда оқшом ўтказилади.**  
**Илтимос маълумот учун (908) 937-5723 рақамига қўнғироқ қилинг. ҲАР БИР ХИЗМАТДАН СЎНГ ТАОМ УЗАТИЛАДИ.**

Чўпон Аламнинг китобини, *Муқаддас Ёғ Суртилган (Messiah)* сўранг, Эски Аҳддан аён бўлган МАСИХ 333 дан ортиқ башоратда намоён бўлди.

*Чўпон Аламнинг адабиётини ёювчи бўлиб кўнгишлар йигим-теримида меҳнаткаш бўлинг.*

*Барча адабиётларимиз ва аудио мактубларингиз етказиб беришни ўз ичига олган ҳолда текин дур. Агар кимдир улар учун сиздан ҳақ сўрашга ҳаракат қилса, илтимос (661) 252-5686 рақамига текин телефон қилинг.*

**УШБУ АДАБИЁТ НАЖОТНИНГ ҲАҚИҚИЙ РЕЖАСИНИ ТАШИЙДИ (Ҳав 4:12).**

**УНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ, УНИ БОШҚА БИРОВГА УЗАТИНГ.**

**Бошқа мамлакатда бўлганларингизни эса ушбу адабиётни ўз она тилингизга таржима қилишингизга ундаймиз.**

**Агар қайта нусха чиқарсангиз, илтимос ушбу муаллифлик ҳуқуқи ва қайдни кўшиб чиқаринг:**

© Муаллифлик ҳуқуқи Апрель 2013, 2015 Барча ҳуқуқлар ҳимояланган Дунё Чўпони Тони Аламо © Рўйхатга олинган Апрель 2013, 2015

UZBEK —VOLUME 17800—THE DIFFERENCE BETWEEN SALVATION AND RELIGION